



## НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (пантент мисолида)

*Боймуродов Ойбек Абдиахатович*

*Ўз БМА тингловчиси*

**Аннотация:** Уибу тезисда номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиши ва уни юритиши тартиби, шунингдек уларни аудит текширувидан ўтказиши услубиёти баён этилган. Унда номоддий активларнинг иқтисодий можияти ва тушунчаси, турли ёндошувлар, уларни бухгалтерия ҳисобида тан олиши, счёттларда акс эттириши юзасидан амалдаги бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари қоидаларидаги мавжуд муаммолар ва уларни ечимига қаратилган таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** номоддий актив, аудит, аудит режаси, аудит дастури, пантент, ихтиро, фойдали моделлар, саноат намунаси, товар белгиси, товар чиқарилган жой номи, дастурий таъминот, фирма номлари.

Маълумки, сўнгги йилларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи ҳамда аудит соҳасида янги обьект номоддий активларга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Сабаби, номоддий активларнинг асл можияти бу активлар тўлов қобилиятига эга бўлмасада, улардан кутилаётган даромадлар анча юқори эканлигини кўриш мумкин. Номоддий активлар тушунчасига халқаро ва миллий доирада норматив ҳужжатларда турлича таърифлар берилган, жумладан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти “Номоддий активлар” (БХХС 7)да қўйидаги таъриф берилади: “Номоддий актив - бу номонетар актив бўлиб, ўзида жисмоний хусусиятларни акс эттирмайди”.

Мазкур активларга иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларга тўхталадиган бўлсак, И.Давлетов томонидан олиб борилган тадқиқотда эса,

А.Полторак ва П.Лернер (2002) томонидан интеллектуал капитал, интеллектуал мулк ва интеллектуал активларга берилган таърифларни қўллаб-куватлайди ҳамда интеллектуал мулк номоддий активларнинг таркибига киритилиши тўғри ёндошилганлигини эътироф этади.

Номоддий активлар активларнинг таркибига кирувчи патент тушунчаси илм-фан ва техника соҳасида турли кашфиётлар ва ютуқларни ҳуқуқий ҳимоя қиласди. Патент ҳуқуқига қўйидагиларни киритиш мумкин: маҳсус ҳуқуқ, муаллифлик ҳуқуқи, патент олиш ҳуқуқи, ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси учун ҳақ олиш ҳуқуклари.

Патент тушунчаси мъёёрий ҳужжатлар, иқтисодий луғатлар, олимлар ва мутахассислар томонидан турлича талқин қилиниб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида патент тушунчасига қўйидагича изоҳ берилади: “Патент-бу лотинча патентс (очик, аниқ равшан) сўзидан олинган бўлиб: техник ечим (ихтиро)нинг давлат томонидан эътироф этилганлигини ва ихтиорининг ўз ихтиросига олган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланса, иккинчи томондан бир қанча мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятининг муайян турлари билан шуғулланиш учун маҳсус рухсатнома ҳисобланади”.

Патент (лотинча патенс сўзидан олинган - аниқ, тўлиқ, очик хат) – ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси муаллифининг мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Патент (лотинча) - патент эгасининг ихтиро, фойдали модел ёки саноат намунасига бўлган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Патент шунингдек, устуворлиги ва муаллифлигини тасдиқлайди.

Патент - ихтирога муаллифлик ҳуқуқини ва ихтиро учун мутлоқ ҳуқуқни тасдиқловчи ваколатли давлат ташкилоти томонидан муайян муддат давомида берилган ҳужжат. Патентга ихтиронинг номи, унинг устуворлиги, муаллифнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек илова қилинган ихтиронинг тўлиқ матни киритилади.

Патент ихтирога берилган ва унинг маллифлик ҳуқуқини ва ихтиро учун

мутлоқ хуқуқларни ма’лум бир вақт ичида тасдиқловчи хужжатди. Ихтиро муаллифнинг ихтиро бўйича ишлаб чиқариш, фойдаланиш ва сотиш учун литсензия бериш хукуқини ўзида ифодалайди ва унинг хукуқи ® шакл кўринишида ҳимояланган бўлади.

Патентга берилган таърифларни умумлаштирилган ҳолда биз қуйидаги ёндошувни билдириб ўтамиз: “Патент-маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва маҳсус жараёнлардан фойдаланиш учун давлат томонидан кафолатланган мутлоқ хуқук”.

Иқтисодий адабиётларда патентга берилган таърифларни умумлаштирилган ҳолда қуйидаги таъриф берилди: “Патент-маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва маҳсус жараёнлардан фойдаланиш учун давлат томонидан кафолатланган мутлоқ хуқук”.

Бугунги кунда жаҳонда “Патент кооперацияси тўғрисидаги битим” (PCT) халқаро патент тизими мавжуд, у 150 дан ортиқ давлатларни ўзида бирлаштирган бўлиб, ушбу мамлакатларда ихтиrolарга патент бериш учун мурожаат этувчиларга ёрдам беради (PCT 2024).

Патент бериш тўғрисида қарор қабул қилишда жойлардаги патент идоралари ва ташкилотларини рағбатлантиради ҳамда ихтиrolарга оид жамоатчиликнинг техник ахборотларни олиш ва уни тушинишга имконият яратади. Ушбу халқаро патент тизими қоидаларига мувофиқ битта халқаро патентга талабнома топшириш орқали мурожаат этувчи дунёning кўплаб мамлакатларида ўзининг ихтиросини ҳимоя қилиши мумкин.

Патент эгаси ихтиро, фойдали модел, саноат намунасидан ўз хоҳишича фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф этиш ва тегишли маҳсулотларни четдан келтириш хукуқига эга бўлади. Патент эгасидан бошқа шахслар унинг рухсатисиз ихтиро, фойдали модел, саноат намунасидан фойдаланишга ҳақли эмас. Шунингдек, патентланган ихтирони, фойдали модел ёки саноат намунасини қўлланган ҳолда маҳсулотни рухсатсиз тайёрлаш, кўлланиш, четдан олиб келиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган

усулни қўлланиш ва ушбу усул билан маҳсулотларни тайёрлаш патент эгасининг ҳуқуқи бузилиши ҳисобланади. Демак, ихтиро ўзига хос техникавий ечимга эга бўлган янгилик бўлиб, давлат томонидан тан олинади ва тегишли қонунлар билан муҳофаза қилинади. Ихтиродан бир неча марта фойдаланиш имконияти бўлиши талаб этилади.

Патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги (патентни бериш тўғрисидаги) шартнома ёзма шаклда тузилиши ва Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатдан ўтказилиши лозим. Уни ёзма шаклда тузишга ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Шунингдек, лицензия шартномаси бўйича патентга нисбатан мутлоқ ҳуқуққа эга бўлган тараф бошқа тарафга тегишли ушбу патентдан фойдаланишга рухсатнома беради. Лицензия шартномаси ва қўшимча лицензия шартномаси ёзма шаклда тузилади ва Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатдан ўтказилади. Уни ёзма шаклда тузишга ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ихтиrolар, фойдали модел ва саноат намунасига мутлоқ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати патентни топшириш ҳолатларида Агентликка патент бериш ҳақидаги талабнома келиб тушган кундан бошланади. Республикамизда амалдаги қонунчиликка мувофиқ дастлабки патент устуворлик санасидан бошлаб ҳисобланганда беш йил мобайнида амал қиласди. Патент эгасининг мутлоқ ҳуқуқи патент ёки дастлабки патент ҳақидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан бошлаб амалда деб ҳисобланади. Устуворлик санасидан эътиборан ҳисобланганда ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модел патенти беш йил мобайнида амал қиласди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (21-сон БХМС) “Хўжалик юритувчи суб’ектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счотлари режаси ва уни қўллаш бўйича

йўриқнома”да келтириб ўтилган номоддий активларнинг туркумланишини қайта таҳрир қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси асосида янги таҳрирдаги счёtlар тартиби қуидаги кўринишга эга бўлади.

## 1-жадвал

### Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ счёtlар режаси

“Мулкчилик ҳуқуқи тадбиркорлик субъектига тегишли номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларн умумлаштириш қуидаги синтетик счёtlарда амалга оширилади:	Мулкчилик ҳуқуқи тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган номоддий активлар обьектлари бўйича жамланган амортизатсия тўғрисида маъумотлар қуидаги синтетик счетларда умумлаштирилади:
1110-“Патентлар (ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси)”; 1120-“Товар белгиси, товар чиқарилган жой номи ва фирма номи” 1130-“Дастурий таъминот ва маълумотлар базаси” 1140-“Мол-мулк ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси”; 1150 - “Селекция ютуқлари” 1160-“Франчайзинг ва литсензиялар” 1170 - “Муаллифлик ҳуқуқлари” 1180 - “Гудвилл”(фирма баҳоси)	11190-“Патент (ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси) амортизацияси”; 1191-“Товар белгиси, товар чиқарилган жой номи ва фирма номларининг амортизацияси”; 1192-“Дастурий таъминот ва маълумотлар базаларининг амортизацияси”; 1193 -“Мол-мулк ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси”; 1194-“Селекция ютуқларининг амортизацияси”; 1195 -“Франчайзинг ва литсензияларнинг амортизацияси”; 1196-“Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси”;

Таклиф этилаётган ушбу счёtlарни қуидаги мисолни кўриб чиқамиз:  
Корхона томонидан дастурий маҳсулот бўйича патент ҳуқуқини харид қилиб олди. Унинг бошланғич қиймати - 2.000.000 сўм.

Бошқа харажатлар -500.000 сўм. Ушбу муомалалар корхона бухгалтери томонидан қўйидаги ўтказмалар билан расмийлаштирилади:

Патент учун тўланган пул маблағларига:

Дебет: “Номодий активларни харид қилиш (патент)” - 2.000.000 сўм

Кредит: “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счотлар”- 2.000.000 сўм.

1. Бошқа харажатлар бўйича:

Дебет: “Номодий активларни харид қилиш (патент)” – 500.000 сўм

Кредит: “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счотлар”- 500.000 сўм.

2. Харид қилинган патентни кирим қилиниши бўйича:

Дебет: Дастурий маҳсулот (патент)” – 2.500.000 сўм

Кредит: “Номодий активларни харид қилиш (патент)” – 2.500.000 сўм

Фикримизча мавжуд номоддий активга жадаллаштирилган амортизация усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, номоддий актив тез ўзгарувчан тавсифга эга. Агар буни юқоридаги мисолимизга боғлайдиган бўлсак, корхона ушбу патентга икки баробар амортизатсия ҳисоблашни белгилаб олган (ҳисоб сиёсати асосида). У ҳолда дастлабки йил учун корхона 1.000.000 сўм амортизацияни тан олади:

1. Патентга икки баробар амортизатсия ме’ёри билан қолдиқни камайтириш усули билан амортизатсия ҳисобланганда:

Дебет: “Асосий ишлаб чиқариш” – 1.000.000 сўм.

Кредит: “Патент амортизацияси” – 1000.000 сўм.

Аудитор патентни текшириш чоғида қўйидаги маълумот манбаларидан фойдаланади:

– патентни активларни ҳисобга олишни ва улар билан боғлиқ муомалаларни солиқقا тортишни ташкил этиш масалаларини тартибга соловчи асосий меъёрий хужжатлар;

– корхонанинг ҳисоб сиёсати тўгрисидаги буйруғи (фармойиши) (номоддий активлар ҳисобига тааллуқли қисми);

- патент бўйича синтетик ва аналитик ҳисоби бўйича корхонада қўлланиладиган ҳисоб регистрлари;
- патентга тааллуқли муомалаларни ҳисобга оладиган дастлабки ҳужжатлар;
- бухгалтерия ҳисботлари.

Даставвал, аудитор корхона ҳисоб сиёсатининг номоддий активларни ҳисобга олиш услубиёти баён қилинган асосий қоидалари билан танишиб чиқади. Булар хусусан қуидагилардан иборат:

амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усуллари (бир бутунлигicha ёки номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича);

- амортизация ҳисобланмайдиган номоддий активлар рўйхати;
- номоддий активларни ҳисобга олиш учун қўлланиладиган намунавий қабул қилинган ва корхонанинг ўзида тасдиқланган дастлабки ҳужжатлар шакллари;
- номоддий активларни инвентаризация қилиш муддатлари;
- номоддий активлар ҳисобига доир ҳужжатлар айланиши;
- номоддий активларга тааллуқли муомалаларни ҳисобга олишда қўлланиладиган счёtlар рўйхати.

Номоддий активларга тааллуқли муомалаларни текшириш учун синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари қўлланиладиган ҳисоб шаклларига боғлик ҳолда фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг счёtlар режасида корхонага мулкий хукуқ асосида тегишли бўлган номоддий активларнинг миқдори ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун 0400-«Номоддий активларни ҳисобга оладиган счетлар» (0410-0490) счёtlар мўлжалланган. Бу счёtlар балансга нисбатан актив бўлиб, уларнинг дебет томонида мавжуд номоддий активларнинг қолдиги, кирими ва кредитида хўжаликдан чиқиши акс эттирилади.

Холоса қилинганда, патент корхоннинг молиявий ҳисботида номоддий активлар сифатида тан олинади. Амалдаги бухгалтерия ҳисобига оид

қонунчиликда патентга бўлган ҳуқуқни номоддий активлар сифатида қабул қилишда қўйидаги талаблар ёки шартлар бажарилиши шарт деб ҳисоблаймиз:

биринчи, моддий-ашёвий тузилишга эга бўлмаслиги. (ушбу патент жисмоний кўринишга эга эмаслиги талаб этилган;

иккинчи, маҳсулот ишлаб чиқаришда (иш, ҳизматлар) ва бошқарув жараёнларида узоқ муддат фойдаланиши;

учинчи, корхонада патентга бўлган мутлоқ ҳуқуқнинг мавжудлиги (патент олингандан унга бўлган мутлоқ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартномалар асосида расмийлаштирилади).

тўртинчи, патентни кейинчалик қайта сотиш мўлжалланмаганлиги (шартнома асосида патент ҳуқуқини олган вақтдан уни сотиб юборишни кўзда тутмайди);

бешинчи, патентни идентификация қилиниши (алоҳида ажратиш) имконияти мавжудлиги.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Давлетов И.Р. (2018) “Аграр соҳада интеллектуал мулк об’ектларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш”, 08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит», иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун дисс. авт, 2018 й.

2. ИМА (2021), Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Расмий Ахборотномаси.

3. (НМА 7), БХМС 7-сон “Номоддий активлар” (ЎРҚ, 2005 й., 25-26-сон, 188-модда)

4. РСТ-Халқаро патент тизими.

5. ЎМЕ (2002) Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2002.

6. ЎРҚ (2017) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. (ЎРҚ, 2017 й., 16-сон, 265-модда).